



Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги

РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 ноябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 ноябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 ноябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 ноябрдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент
2018 йил

11(211)

Агентство по интеллектуальной
собственности Республики Узбекистан



ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- Изобретения
- Полезные модели
- Промышленные образцы
- Товарные знаки
- Наименования мест происхождения товаров
- Программы для ЭВМ
- Базы данных
- Топологии интегральных микросхем
- Селекционные достижения

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 ноября 2018 года**

(45) Сведения об охранных документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 ноября 2018 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 ноября 2018 года**

(46) Сведения об охранных документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 ноября 2018 года**

Ташкент
2018 год

11(211)

МУНДАРИЖА

I	ИХТИРОЛАР	
	Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти).....	5
	Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	BZ1A Ихтироларга талабномалар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	6
	В. Турли технологик жараёнлар.....	13
	С. Кимё ва металлургия.....	17
	Д. Тўқимачилик ва қоғоз.....	24
	Е. Қурилиш; Кончилик Иши.....	25
	Г. Физика.....	28
	Н. Электр.....	29
	1.5. BZ1A Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	
	1.1-бўлим учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи.....	30
	Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	1.2. FG4A Ихтироларга патентлар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	31
	В. Турли технологик жараёнлар.....	40
	С. Кимё ва металлургия.....	41
	Г. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	63
	Н. Электр.....	64
	1.5. FG4A 1.2-бўлим учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	66
	1.2-бўлим учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	67
II	Фойдали моделлар	
	Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	2.1.FG4K Фойдали моделларга патентлар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	70
	В. Турли технологик жараёнлар.....	73
	Г. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	73
	Д. Физика.....	74
	2.2.FG4K Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	76
	Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	77
III	САНОАТ НАМУНАЛАРИ	
	Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти)	
	Саноат намуналари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	78
	3.1. FG4L Саноат намуналарига патентлар.....	79
	3.2. FG4L Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	94
IV	ТОВАР БЕЛГИЛАРИ	
	Товар белгиларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти).....	95
	4.1. FG4W Товар белгилари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	96
	4.1. FG4W Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	229
VI	ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР	
	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига оид библиография маълумотларини айналаштириш учун кодлар.....	238
	6.1. ЭҲМ учун дастурлар Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	239
	6.2. ЭҲМ дастурларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи.....	265
VIII	СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ	
	Селекция ютуқларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун кодлар.....	266
	9.3. AA1E Ўсимликлар навлари ва ҳайвонлар зотларининг Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган селекция ютуқлари тўғрисида маълумотларни нашр қилиш.....	267
	9.4. AA1E Селекция ютуқларига тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	273
X	ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР	
	10.1.QB4W Лицензия шартномалари.....	275
	10.2. PC4W Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар.....	277
XI	РАСМИЙ АХБОРОТЛАР	280
XII	ХАБАРЛАР	
	MB4W Товар белгисига берилган гувоҳноманинг амал қилишини суд қарорига асосан муддатидан илгари тўхтатиш.....	288
	ND4A Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	288
	ND4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	288
	PD4L Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш.....	289
	ND4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш.....	289
	ND4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш.....	290
	TE4W Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилини ўзгартириш.....	291
XIII	АВВАЛ НАШР ЭТИЛГАНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР	293
XIV	РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ	294

СОДЕРЖАНИЕ

I	ИЗОБРЕТЕНИЯ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9).....	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	1.1. BZ1A Заявки на изобретения	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека	6
	B. Различные технологические процессы	13
	C. Химия и металлургия	17
	D. Текстиль и бумага	24
	E. Строительство; горное дело.....	25
	G. Физика.....	28
	H. Электричество.....	29
	1.5. FG4A Систематический и нумерационный	
	1.5. BZ1A Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1.....	30
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	1.2. FG4A Патенты на изобретения.	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	31
	B. Различные технологические процессы	40
	C. Химия и металлургия	41
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	63
	H. Электричество.....	64
	1.5. FG4A Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2.....	66
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2.....	67
II	ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	2.1.FG4K Патенты на полезные модели	
	A. Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	70
	B. Различные технологические процессы	73
	F. Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы	73
	G. Физика.....	74
	2.2.FG4K Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели.....	76
	Именной указатель авторов полезных моделей.....	77
III	ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST. 80)	
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов..	78
	3.1. FG4L Патенты на промышленные образцы.....	79
	3.2. FG4L Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы.....	94
IV	ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60).....	95
	4.1. FG4W Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков.....	96
	4.1. FG4W Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки.....	229
VI	ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к программам для ЭВМ и базам данных.....	238
	6.1. Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ.....	239
	6.2. Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ.....	265
VIII	СЕЛЕКЦИОННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к селекционным достижениям.....	266
	9.3. AA1E Публикация сведений о селекционных достижениях, зарегистрированных в Государственном реестре сортов растений и пород животных.....	267
	9.4. AA1E Систематический и нумерационный указатели на селекционные достижения.....	273
X	ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ	
	10.1.QB4W Лицензионные договоры.....	275
	10.2. PC4W Договоры о передаче прав.....	277
XI	ОФИЦИАЛЬНЫЕ СООБЩЕНИЯ	280
XII	ИЗВЕЩЕНИЯ	
	MB4W Досрочное прекращение действия свидетельства на товарный знак На основании решения суда	288
	ND4A Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на изобретении.....	288
	ND4L Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	288
	PD4L Продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	289
	ND4W Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак	289
	ND4W Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистана товарный знак.....	290
	TE4W Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак.....	291
XIII	ИСПРАВЛЕНИЯ К РАНЕЕ ОПУБЛИКОВАННОМУ	293
XIV	ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ	294

**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН
ХАЛҚАРО КОДЛАР
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ
ДАНЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- | | |
|--|---|
| (11) - патент рақами | (11) - номер патента |
| (13) - ҳужжат турининг коди | (13) - код вида документа |
| (21) - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами | (21) - регистрационный номер заявки |
| (22) - талабномани топшириш санаси | (22) - дата подачи заявки |
| (23) - бошқа сана (лар), жумладан бирмунча олдин топширилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган сана | (23) - прочая (ие) дата (ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке |
| (31) - устуворлик талабномасининг рақами | (31) - номер приоритетной заявки |
| (32) - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси | (32) - дата подачи приоритетной заявки |
| (33) - устуворлик мамлакатининг коди | (33) - код страны приоритета |
| (46) - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси | (46) - дата публикации охранного документа |
| (51) - Халқаро патент классификациясининг (ХПК) индекси (лари) | (51) - индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК) |
| (54) - ихтиро номи | (54) - название изобретения |
| (57) - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи | (57) - реферат, формула изобретения или полезной модели |
| (60) - бошқа ҳуқуқий ёки процедура бўйича боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳаволалар | (60) - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы |
| (63) - ўзининг давоми бўлган ушбу ҳужжатга нисбатан бирмунча олдин топширилган талабноманинг рақами ва санаси | (63) - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением |
| (65) - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатининг рақами | (65) - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки |
| (71) - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди | (71) - имя заявителя, код страны |
| (72) - муаллифнинг номи, мамлакат коди | (72) - имя автора, код страны |
| (73) - патент эгасининг номи | (73) - имя патентообладателя |
| (85) - РСТнинг 23(1)- ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси | (85) - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ |
| (86) - РСТ халқаро талабномасининг талаб қилинувчи маълумотлари, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатга олиш рақами ва факультатив равишда нашр қилинган талабнома дастлабки топширилгандаги тил | (86) - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| (87) - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишига оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва факультатив равишда талабнома нашр қилинган тил | (87) - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки |

I. ИХТИРОЛАР ИЗОБРЕТЕНИЯ

Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш

Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

1.1. BZ1A

ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР

ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

А бўлим
ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ
ҚОНДИРИШ

Раздел А
УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ
ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА

А 01

(13) В

(21) IAP 2017 0197
(51) A01C/
(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти, UZ
Институт биоорганической химии Академии наук Республики Узбекистан имени академика А.С.Садыкова, UZ
(72) Ахмеджанов Искандар Гулямович, Тонких Анатолий Константинович, Хотамов Мансур Махмудович, Бекмухамедов Абдукаюм Азимович, Ибрагимходжаев Собир Убайдуллаевич, Агишев Владимир Саидович, UZ
(54) **Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига ишлов бериш усули**
Способ обработки семян сельскохозяйственных культур

(57) Фойдаланиш соҳаси: қишлоқ хўжалиги.
Вазифаси: экиш олдида уруғларга қизил нур импульсли электромагнит майдони воситасида ишлов бериш асосида пахта ҳосилдорлигини оширишнинг арзон ва оддий усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** пахта чигитига экиш олдида ишлов бериш учун чигитларга қизил нур ва импульсли электромагнит майдони воситасида 5-10 дақиқа давомида ишлов бе-

рилади. Уруғларни нурлантириш 2 та босқичда: аввал қизил нур, кейин эса импульсли электромагнит майдони воситасида амалга оширилади. Уруғларга ишлов беришнинг мазкур усули чигитлар фитохром тизимининг специфик фаоллашуви ва носпецифик электромагнитли стрессланиши ҳисобига пахта ҳосилдорлигини 10-20%га ошириш имконини беради.

Использование: сельское хозяйство. **Задача:** разработка простого и дешевого способа увеличения урожайности хлопчатника на основе предпосевной обработки семян красным светом и импульсным электромагнитным полем. **Сущность изобретения:** предпосевная обработка семян хлопчатника, осуществляемой при помощи равномерного облучения семян красным светом и импульсным электромагнитным полем в течение 5-10 минут. Облучение семян проводят в 2 стадии: сначала красным светом, затем импульсным электромагнитным полем. Данный способ обработки за счет специфической активации фитохромной системы и неспецифического электромагнитного стрессирования семян позволяет увеличить урожайность хлопчатника на 10 -20 %.

(13) В

(21) IAP 2017 0167
(51) A01K/
(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, UZ
Институт химии растительных веществ имени академика С.Ю. Юнусова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Хидырова Назира Кудратовна, Маматкулова Нодира Махсумовна, Шахидоятлов Хуснутдин Мухитович, Элмурадов Бурхон Жураевич, Орипов Анвар Орипович, Мамарозиков Умиджон Бахтиёрович, Мадрахимова Мукаддас, Ахмедов Баходир Назарович, Улашов Илхом Ахмадович, Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович, UZ

(54) Озукавий концентрат олиш усули
Способ получения кормового концентрата

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кишлок хўжалиги, хусусан, маҳаллий ўсимликлар хом ашёси асосида паррандачиликда қўллаш учун юқори самарага эга озукавий концентрат олиш усулини ишлаб чиқишда. *Вазифаси:* ғўза япроқлари полиизопреноидлари асосида юқори самарага эга озукавий концентратни олиш усулини ишлаб чиқиш, жараён вақтини қискартириш, таннархини пасайтириш. *Ихтиро моҳияти:* усул қуритилган ва майдаланган ғўза япроқларини ўткир калий ва гексаннинг 1:1 ҳажмий нисбатдаги 5 %ли сувли эритмасида 30 дақиқа давомида ультратовушли аралаштириш йўли билан уч карра экстракция қилишдан иборат. Сўнг гексанли экстрактлар аралаштирилади, рН 7 кўрсаткичига қадар сувда ювилади, сувсиз олтингугуртли натрий устида қуритилади, гексан вакуумли-буғлаш аппаратида чиқариб ташланади ва тайёр маҳсулот олинади.

Использование: сельское хозяйство, в частности, разработке способа получения эффективного, доступного кормового концентрата на основе местного растительного сырья для применения в птицеводстве. *Задача:* разработка способа получения высокоэффективного кормового концентрата на основе полиизопреноидов листьев хлопчатника, упрощение и сокращение длительности процесса, снижение себестоимости. *Сущность изобретения:* способ заключается в трехкратной экстракции высушенных и измельченных листьев хлопчатника смесью 5 %-го водного раствора едкого калия и гексана в объемном соотношении 1:1 в течение 30 минут при ультразвуковом перемешивании. Далее гексановые вытяжки смешивают, промывают водой до рН 7, сушат над безводным серно-кислотом натрием, удаляют гексан в вакуум-выпарном аппарате и получают целевой продукт.

(13) В

(21) IAP 2017 0199

(22) 29.05.2017

(51) A01M 7/00

(71) "AGRIXIM" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси, UZ

Совместное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью "AGRIXIM", UZ

(72) Матчанов Рафик Досчанович, Юлдашев Азамат Исмаилович, Артемьев Валерий Петрович, Воинов Сергей Николаевич, UZ

(54) Пуркагич
Опрыскиватель

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кишлок хўжалиги, айнан эса кишлок хўжалиги экинларини зараркундалар ва касалликлардан ҳимоялашда. *Вазифаси:* пуркагич конструкциясини такомиллаштириш; ўсимликларга ишлов бериш сифатини ва узатмалар ишончилигини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* пуркагичнинг силжийдиган ишчи органи мустақил бошқариладиган механизмлар билан жиҳозланган бўлиб, улар унинг маълум цикл давомида бир вақтнинг ўзида вертикал ва горизонтал текисликларда силжишини таъминлайди. Ишчи органнинг ҳаракатланиш йўналишини унинг чегара тугмаси ва магнитлар бошқаради, силжиши эса электр юритмалар воситасида амалга оширилади. Ишчи органи горизонталь силжитадиган чегара тугмалари вентиляторнинг қўзғалмас патрубкасига, магнитлар эса силжийдиган ишчи органга маҳкамланган. Ишчи органи вертикаль силжитадиган чегара тугмалари ва магнитлар ишчи органининг ўзига маҳкамланган. Ишчи органининг бир вақтнинг ўзида горизонталь ва вертикаль силжиши ишлов берилаётган дала майдонининг бор кенглиги бўйлаб препаратни сифатли пуркаш имконини беради.

Использование: сельское хозяйство, а именно для защиты сельхозкультур от вредителей и болезней. *Задача:* усовершенствование конструкции опрыскивателя; повышение качества обработки растений и надежности приводов. *Сущность изобретения:* подвижный рабочий орган опрыскивателя снабжен автономными управляющими механизмами, обеспечивающими его циклическое перемещение одновременно в вертикальной и горизонтальной плоскостях. Управляют направлением движения рабочего органа концевые переключатели и магниты, а перемещение осуществляется посредством электроприводов. Концевые переключатели горизонтального перемещения рабочего органа закреплены к неподвижному патрубку вентилятора, а магниты к подвижному рабочему органу. Концевые переключатели и магниты верти-

кального перемещения рабочего органа закреплены на самом рабочем органе. Одновременное горизонтальное и вертикальное перемещение рабочего органа позволяет качественно распылять препараты по всей обрабатываемой поверхности поля.

(13) В

(21) IAP 2017 0168

(22) 04.05.2017

(51) A01N/

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, UZ

Институт химии растительных веществ имени академика С.Ю. Юнусова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Хидырова Назира Кудратовна, Мамарозиков Умиджон Бахтиёрович, Элмурадов Бурхон Жураевич, Рахматов Хасан Акрамович, Власова Ольга Анатольевна, Закирова Рано Пулатовна, Абдуллаев Насрулла Джалилович, UZ

(54) Гербицид фаоллига эга восита

Средство, обладающее гербицидной активностью

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кишлок хўжалиги, хусусан, бегона ўтларга қарши курашиш воситалари, айнан эса гербицид фаоллига эга, самарали ва арзон воситани ишлаб чиқиш. **Вазифаси:** ўсимликлардан олинган маҳаллий хомашё асосида дон экинлари ва сабзавот ўсимликлари етиштиришда ёш бегона ўтларга таъсир кўрсатувчи, синтетик препаратлар қўлланишига чек қўйувчи гербицидни яратиш; ўсимликлардан олинган экстрактлар асосидаги гербицид воситалар ассортиментини кенгайтириш; атроф-муҳитга зарар таъсир кўрсаткичини пасайтириш. **Ихтиро моҳияти:** ўсимликлардан олинган экстрактлар асосида янги гербицидли воситани олиш: Juglandaceae оиласига тегишли *Juglans regia L.* ўсимлиги япроқларини 40 %ли этил спиртида 1:10 нисбатдаги гидромодулда уч карра экстракция қилиш; сувли-спиртли экстрактларни бирлаштириш; вакуумли-буғлаш аппаратида эритгични буғлаб чиқариш. Олинган якуний маҳсулот юқори даражада маҳсулдор ҳисобланиб, қурук ўсимлик хом ашё массасининг - 20,2 % ни ташкил этади ва дон экинлари ва сабзавот ўсимликлари етиштиришда ёш бегона ўтларга гербицид фаол таъсир кўрсатади.

Использование: сельское хозяйство, в частности, средства для борьбы с нежелательной растительностью, а именно разработка эффектив-

ного, доступного средства, обладающего гербицидной активностью. **Задача:** создание гербицида на основе местного растительного сырья, влияющего на малолетних сорняков зерновых и овощных культур, который исключает применение синтетических препаратов; увеличение ассортимента гербицидных средств на основе растительных экстрактов; снижение вредного воздействия на окружающую среду. **Сущность изобретения:** получение нового гербицидного средства на основе растительных экстрактов: трехкратной экстракцией 40 %-ным этиловым спиртом листьев растения *Juglans regia L.* семейства Juglandaceae при гидромодуле 1:10; объединение водно-спиртовых вытяжек; упаривание растворителя в вакуум-выпарном аппарате. Полученный целевой продукт с высоким выходом -20,2 % от массы сухого растительного сырья обладает гербицидной активностью для малолетних сорняков зерновых и овощных культур.

А 23

(13) В

(21) IAP 2017 0176

(22) 11.05.2017

(51) A23K 1/165

(71)(72) Султанходжаев Аманулла Асадуллаевич, Дадаходжаев Аброр Абдурахманович, UZ

(54) Шолини қайта ишлаш саноатидаги иккинчи даражали ресурслардан ем олиш усули

Способ получения корма из вторичных ресурсов рисообработывающей промышленности

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кишлок хўжалиги, хусусан, шолини қайта ишлаш саноати чиқитларидан ем олиш. **Вазифаси:** кишлок хўжалиги жониворлари, айнан эса йирик қорамол чорваси (ЙҚЧ) учун ем ишлаб чиқаришнинг хом ашё базасини кенгайтириш ва аввал бу мақсадда ишлатилмаган ва тўлақонли ем сифатида, шунингдек, ЙҚЧ учун омихта ем олишда янги ингридиент сифатида қўллаш мумкин бўлган шолини қайта ишлаш саноатидаги иккинчи даражали ресурслардан озуқавий емни олиш. **Ихтиро моҳияти:** шолини қайта ишлаш саноати чиқитларидан ўсимлик воситасини майдалаш ва *Trichoderma lignorum* фаол микроорганизми билан биофермент ишлов бериш орқали ем олиш усули шундан иборатки, асосий ўсимлик воситаси сифатида гуруч ковузи (пўчоғи) ва мучкасидан фойдаланилади, ҳар икки хом ашё 0,2-0,5 мм гача майдаланади, 110-120°C ҳаро-

ратда намлик даражаси 50-60 %га етгунича 1-2 атм. босими остида 1,5-2 соат давомида гидротермик ишлов берилади, кейин қайта ишланаётган хом ашё массасининг 5-15 % микдориди биофермент масса («Trichoderma lignorum 19») кўшилади, аралашма микробиологик шимилиш ва оксил моддаси тўпланиши учун 24-48 соатга герметик бункерга жойланади. Ҳосил бўлган биомасса 50-60°C ҳарорат остида намлик даражаси 13-14,5 %га тенг бўлгунича қуритилади ва тайёр маҳсулот олинади.

Использование: сельское хозяйство, в частности, получение кормов из отходов рисообработывающей промышленности. **Задача:** расширение сырьевой базы производства кормов для сельскохозяйственных животных, а именно крупного рогатого скота (КРС) и получение питательного корма из вторичных ресурсов рисообработывающей промышленности, ранее не используемых для этих целей, который можно применять в качестве полноценного корма, а также в виде нового ингредиента при получении комбикорма для КРС. **Сущность изобретения:** способ получения кормов из отходов рисообработывающей промышленности, включающий измельчение растительного средства и биоферментную обработку активной культурой Trichoderma lignorum, заключается в том, что в качестве основного растительного средства используют рисовую лузгу и мучку, которые измельчают до 0,2-0,5 мм, проводят гидротермическую обработку при температуре 110-120°C до увлажнения 50-60 % при давлении 1-2 атм. в течение 1,5-2 часов, затем добавляют биоферментную массу («Trichoderma lignorum 19») в количестве 5-15 % от массы перерабатываемого сырья, направляют смесь в герметичный бункер для осуществления микробиологического процесса напитывания и накопления белковой массы на 24-48 часов. Полученную биомассу сушат при температуре 50-60°C до 13-14,5 % влажности и получают готовый продукт.

(21) IAP 2017 0193

(51) A61K 39/02

(71) «BIBINOR» масъулияти чекланган жамияти, UZ

Общество с ограниченной ответственностью «BIBINOR», UZ

(13) B

(22) 22.05.2017

(72) Маматкулов Иброхим Хомидович, Маматкулов Алишер Ибрагимович, UZ; Игнатов Петр Евгеньевич, RU

(54) Қорин тифига қарши суюқ молекуляр вакцинани олиш ва сурункали қорин тифи бактерия ташувчиларини даволаш усули
Способ получения жидкой брюшнотифозной молекулярной вакцины и лечения (санации) хронического брюшнотифозного бактерионосительства

(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт, хусусан, сурункали қорин тифини уйғотувчиларнинг ташувчиларини олдини олиш ва даволаш учун вакцинани олишда. **Вазифаси:** сурункали қорин тифи уйғотувчи ташувчиларни олдини олишда ҳам, даволашда ҳам қўллаш мумкин бўлган қорин тифига қарши иммуноген ва специфик зарарсиз вакцинани олиш усулини ва сурункали қорин тифи бактерия ташувчиларини даволаш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** қорин тифига қарши суюқ молекуляр вакцинани (ҚҚМВ) олиш Salmonella typhi вирулент штамми микроорганизмини ўстиришни, микроорганизмни ажратиб олишни, антигенни экстракциялашни ўз ичига олади. Бунда Salmonella typhi микроорганизми 18-24 соат мобайнида ўстирилади, сўнгра 150 дақиқа давомида Игла муҳитида, аввалдан муҳитнинг ҳар бир литрига 0,2 мл арахидон кислотаси, 80 %ли сут кислотаси бир литр сувга 1,0 мл. микдорда; 1 %ли уксус кислотаси муҳит рН кўрсаткичи 6,2 бўлгунича; 80 %ли глюкоза ва 20 %ли лактоза 1 литр сувга 10 мл микдорда кўшилган ҳолда экстракцияланади, 36°C ҳароратда аралаштирилади, шундан кейин хужайралар марказдан қочирма куч таъсирида тиндирилади, чўқинди усти суюқлиги қолиб кетган бактерия хужайраларини чиқариб ташлаш учун Зейц фильтри орқали филтрланади. Ҳосил бўлган микроорганизмни суюқлик совутилган этанол уч карра ҳажмига қуйилади. Шунингдек, сурункали қорин тифи бактерия ташувчиларини даволашнинг беморларга вакцинани кўп мартали инъекциялар кўринишида – вакцинациялар орасида 5 кунлик танаффуслар билан қуйидаги схема асосида буюриш усули таклиф этилган:

1- инъекция (тери остига)- 0,1 (нолинчи);

2- инъекция (тери остига)- 0,2 (биринчи);

3- инъекция (мушак ичига)- 0,3 (иккинчи);

4- инъекция (мушак ичига)- 0,4 (учинчи);

5- инъекция (мушак ичига)- 0,5 (тўртинчи).

Использование: медицина, в частности получение вакцины для профилактики и санации хронических носителей возбудителей брюшного тифа. **Задача:** разработка способа получения иммуногенной и специфически безвредной брюшнотифозной вакцины, используемой как для профилактики, так и для санации хронических носителей возбудителей брюшного тифа, и способа санации (лечения) хронического брюшнотифозного бактерионосительства. **Сущность изобретения:** способ получения жидкой брюшнотифозной молекулярной вакцины (БМВ) включает выращивание культуры вирулентного штамма *Salmonella typhi*, отделение культуры, экстрагирование антигена. При этом культуру *Salmonella typhi* культивируют в течение 18-24 часов, затем экстрагируют в течение 150 минут в питательной среде Игла, в которую предварительно добавляют арахидоновую кислоту из расчета 0,2 мл/л среды, молочную кислоту из расчета 1,0 мл 80% на 1 л воды; 1% кислоту уксусную до pH среды 6,2; 10 мл 80% глюкозы и 20% лактозы в 1л воды, перемешивают при температуре 36°C, после чего клетки осаждают центрифугированием, а надосадочную жидкость отфильтровывают через фильтр Зейца для удаления оставшихся бактериальных клеток. Полученную культуральную жидкость вливают в трехкратный объем охлажденного этанола. Также заявлен способ санации (лечения) хронического брюшнотифозного бактерионосительства путем введения больным вакцины в виде многократных инъекций с 5- дневными интервалами между вакцинациями по следующей схеме:

- 1-я инъекция (подкожно)- 0,1 (нулевая);
- 2-я инъекция (подкожно)- 0,2 (первая);
- 3-я инъекция (внутримышечно)- 0,3 (вторая);
- 4-я инъекция (внутримышечно)- 0,4 (третья);
- 5-я инъекция (внутримышечно)- 0,5 (четвертая).

(13) В

(21) IAP 2017 0191

(22) 22.05.2017

(51) A23L 2/00

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, UZ
Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Усманов Равшанбек Джахангирович, Фатхуллаев Абдунаби, Камилова Роза Толановна, Адилев Уткир Халилович, Фатхуллаев Абдул-

ла Абдунабиевич, Салимбекова Феруза Абдунабиевна, UZ

(54) Шафран ўсимлиги асосида озикавий кўшимча олиш усули

Способ получения пищевой добавки на основе растения шафран

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** озиқ-овқат саноати.

Вазифаси: зарарли ҳисобланган меҳнатда ва оғир шароитли ишлаб чиқаришда банд бўлган инсонлар организмини токсик элементлар, оғир металллар, шлаклар ва радионуклеидлардан тозалаш учун даволаш-профилактика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кўлланиладиган шафран гуллари ва топинамбур (ер ноки) япроқлари каби ўсимликлардан озикавий кўшимча олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** ўз таркибида тиамин ва рибофлавинни, аминокислотларни, сариқ рангли кроцин бўёвчи моддасини, флавоиоидларни (изорамнетин ва кемпферол), ёғли мойни (6,8 %), қанд, кальций тузлари ва фосфорни сақловчи шафран гуллари ва топинамбур (ер ноки) япроқларидан 2-:75 нисбатда олинган ҳолда озикавий кўшимча олиш усули куйидаги жараёнларни ўз ичига олади: шафран гуллари ва топинамбур (ер ноки) япроқлари аввал тозаланади, инфрақизил нурли қуритиш шкафида белгиланган параметрларда хом ашёнинг намлик даражасини 10 %дан оширмаган ҳолда қуритилади, бутун масса бўйлаб +25°C гача совутилади, 40-500 мкм ўлчамли зарралар ҳосил бўлгунча майдаланади. Тайёр маҳсулот қадоқланади.

Использование: пищевая промышленность. **За-**

дача: разработка способа получения пищевой добавки из растений цветков шафрана и листьев топинамбура, которая используется в производстве продуктов лечебно-профилактического питания для очищения организм человека от токсических элементов, тяжелых металлов, шлаков и радионуклеидов, работающих на производстве в тяжелых и вредных условиях труда. **Сущность изобретения:** способ получения пищевых добавок из растений цветков шафрана и листьев топинамбура в соотношении 25:75, содержащих витамины тиамин и рибофлавин, аминокислоты, желтое красящее вещество кроцин, флавоиоиды (изорамнетин и кемпферол), жирное масло (6,8 %), сахар, соли кальция, фосфора и заключается в следующем: цветки шафрана и листья топинамбура предварительно очищают, сушат в сушильном шкафу с инфракрасным излучением в определенных параметрах до влажности не более 10%, охлаж-

дают до +25°C по всей массе и измельчают до размеров частиц 40-500 мкм. Готовый продукт упаковывают.

канд - 17-45;
куруқ сут - 10-30.

(21) IAP 2017 0192 (13) В
(51) A23L 2/00 (22) 22.05.2017

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, UZ
Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Усманов Равшанбек Джахангирович, Фатхуллаев Абдунаби, Камилова Роза Толановна, Адиллов Уткир Халилович, Фатхуллаев Абдулла Абдунабиевич, Салимбекова Феруза Абдунабиевна, UZ

(54) **Даволовчи-профилактик овқатланиш учун антианемик таъсирга эга бўлган озикавий кўшимча олиш усули**
Способ получения пищевой добавки антианемического действия для лечебно-профилактического питания

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** озик-овқат ва фармацевтика саноати, хусусан, темир танқислиги анемияси профилактикаси учун озикавий кўшимча олишда. **Вазифаси:** даволоччи-профилактик овқатланиш учун антианемик таъсирга эга озикавий кўшимча олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** озикавий кўшимча олиш усули унинг таркибига кирувчи компонентлар ва уларнинг миқдорий нисбати билан тартибланади. Куруқ кора альбумин кукуни ўзининг янги қонга хос биологик фаоллигини тўлиғича сақлайди ва 2,5-3 йил сақланганда ҳам бу хусусиятини йўқотмайди. Ушбу экологик тоза озикавий кўшимча касалликларни даволашда самарали адаптоген ҳисобланади ва куйидаги компонентлардан таркиб топган, (масса, %):

куруқ кора альбумин кукуни - 0,15-6,0;
витамин В₁ - 0,007-0,153;
витамин В₃ - 0,05-2,0;
витамин В₆ - 0,007-0,2;
витамин В₉ - 0,00125-0,04;
витамин В₁₂ - 0,000011-0,00031;
аскорбин кислотаси - 0,45-9,0;
топинамбура япроқлари экстракти - 0,4-20,0;
наъматэк экстракти - 0,25-15,0;
ванилин - 0,012-0,02;
буғдой уни - 25-30;

Использование: пищевая и фармацевтическая промышленность, в частности, пищевых добавках для профилактики железодефицитной анемии. **Задача:** разработка способа получения пищевой добавки антианемического действия для лечебно-профилактического питания. **Сущность изобретения:** способ получения пищевой добавки обусловлен входящими в нее компонентами и их количественным соотношением. Порошок сухого черного альбумина в полной мере сохраняет биологическую активность, присущую свежей крови, и не теряет ее в течение 2,5-3 лет хранения. Эта экологическая чистая пищевая добавка является эффективным адаптогеном в лечении заболеваний и состоит из следующих компонентов, (вес, %): порошок сухого черного альбумина - 0,15-6,0; витамин В₁ - 0,007-0,153; витамин В₃ - 0,05-2,0; витамин В₆ - 0,007-0,2; витамин В₉ - 0,00125-0,04; витамин В₁₂ - 0,000011-0,00031; аскорбиновая кислота - 0,45-9,0; экстракт листьев топинамбура - 0,4-20,0; экстракт шиповника - 0,25-15,0; ванилин - 0,012-0,02; пшеничная мука - 25-30; сахар - 17-45; сухое молоко - 10-30.

(21) IAP 2018 0300 (13) В
(51) A23L 3/01, A23B 7/01, F26B 17/10 (22) 28.06.2018

(71) Саитов Азиз Азимович, UZ
(72) Саитов Азиз Азимович, Колесников Игорь Константинович, Курбанов Жанибек Файзуллаевич, Юсупов Абдумалик Маннанович, UZ
(54) **Намланган бошокли дон ўсимликларни қайта ишлаш учун кўп камерали ЎЮЧ курама конвектив қуритувчи қурилма**
Многокамерная комбинированная СВЧ – конвективная сушильная установка для обработки увлажненных зерновых злаков

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кишлок хўжалигига оид қуритиш техникаси. **Вазифаси:** ЎЮЧ-иссиқлик берувчининг поғонали режимини тадбиқ этиш орқали қурилманинг иссиқлик бериш самарадорлигини ошириш ва масса алмашинув жараёнини интенсификация қилиш. **Ихтиро**

моҳияти: қуриувчи қурилма цилиндрсимон ёки призмасимон шаклдаги корпусга эга бўлиб, корпус ичида корпуснинг шаклини такрорловчи ва уни марказий ва периферик зоналарга бўлиб турувчи сиғим коаксиаль тарзда жойлаштирилган. Периферик зонада тешикли панжаралари бор қуритиш секциялари ва шнекли транспортёрлари бор камералар ўрин алмашинадиган тартибда жойлаштирилган. Марказий зонада ва периметр бўйлаб қуритиш секциялари қарама-қаршисида сохта қайнаш қавати баландлиги даражасида ЎЮЧ генераторлари магнетронлари ўрнатилган. Ҳар бир қуритиш секцияси қуритиш агенти сарфини тартибга солувчи вентил билан жиҳозланган. Бошқоқли донлар сохта қайнаш қаватида ЎЮЧ – иссиқлик берувчи ва ташиш камераларида сақлаб туриш билан уйғунлашган конвектив усулда қуритиш жараёнига дучор этилади.

Использование: сушильная техника в сельском хозяйстве. **Задача:** интенсификация процесса массообмена и повышение тепловой эффективности установки за счет внедрения ступенчатого режима СВЧ-теплоподвода. **Сущность изобретения:** сушильная установка содержит цилиндрической или призматической формы корпуса, внутри которого размещена коаксиально емкость, повторяющая форму корпуса и делящую последний на центральную и периферийную зоны. В периферийной зоне в чередующемся порядке размещены сушильные секции с перфорированными решетками и камеры с шнековыми транспортерами. В центральной зоне и по периметру, напротив сушильных секций на высоте псевдооживленного слоя установлены магнетроны СВЧ – генераторы. Каждая сушильная секция снабжена вентилем расхода сушильного агента. Сушка зерновых злаков подвергается в псевдооживленном слое конвективным способом в сочетании с СВЧ - энергоподвода и отлежкой в транспортирующих камерах.

A 61

(13) B

(21) IAP 2017 0160

(22) 01.05.2017

(51) A61B 17/42

(71) O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi "Respublika ixtisoslashtirilgan akusherlik va ginekologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi" aksiyadorlik jamiyati, UZ

Акционерное общество «Республиканский специализированный научно-практический меди-

цинский центр акушерства и гинекологии» Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Мавлянова Нигора Наримановна, Сапаров Амин Бахтиярович, Нишанова Феруза Пулатовна, UZ

(54) **Ҳомила йўлдоши етишмовчилиги синдроми билан ифодаланган ҳомиладор аёлларда эндоген интоксикацияни оғирлик даражасини ташхислаш усули**

Способ диагностики степени тяжести эндогенной интоксикации у беременных с фетоплацентарной недостаточностью

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, жумладан акушерлик ва гинекология, умумий амалиёт шифокорларининг ҳомила йўлдоши етишмовчилиги оғирлик даражасини дигностика қилишида. **Вазифаси:** ҳомила йўлдоши етишмовчилиги оғирлик даражасини эрта дигностика қилиш, ҳомила йўлдоши етишмовчилигида асоратларнинг ривожланишини олдини олиш. **Ихтиро моҳияти:** қон зардобиди биокимёвий тадқиқот олиб бориш йўли билан эндоген интоксикациянинг оғирлик даражасини аниқлаш усули шу билан фарқланадики, қон зардобиди нитроген концентрацияси аниқланади ҳамда NO концентрацияси 4,0 дан 5,8 ммоль/л гача бўлса, эндоген интоксикацияси оғирлигининг енгил даражаси, 5,8 ммоль/л дан 7,3 ммоль/л гача кўтарилган бўлса ўртача оғирлик даражаси ва 7,3 ммоль/л дан юқори бўлса, эндоген интоксикация оғирлигининг оғир даражаси дигностика қилинади.

Использование: медицина, в частности акушерство и гинекологии, врачей общей практики для диагностики степени тяжести фетоплацентарной недостаточности. **Задача:** ранняя диагностика степени тяжести фетоплацентарной недостаточности, предупреждения развития осложнений при фетоплацентарной недостаточности. **Сущность изобретения:** способ диагностики степени тяжести эндогенной интоксикации путем биохимического исследования в сыворотке крови отличается тем, что определяют концентрацию азота в сыворотке крови и при концентрации NO от 4,0 до 5,8 ммоль/л - диагностируют легкую степень тяжести эндогенной интоксикации, а при повышении от 5,8 ммоль/л до 7,3 ммоль/л - среднетяжелую степень и свыше 7,3 ммоль/л – тяжелую степень тяжести эндогенной интоксикации.

(13) В

(21) IAP 2017 0175

(22) 11.05.2017

(51) A61B/

(71)(72) Мавлянова Нигора Наримановна, UZ

(54) Фетоплацентар етишмовчиликнинг оғирлик даражасини прогнозлаш усули
Способ прогнозирования степени тяжести фетоплацентарной недостаточности

(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт, хусусан, акушерлик ва гинекология. **Вазифаси:** диагностика қилаш сифатини ошириш, эрта диагностика, фетоплацентар етишмовчиликнинг оғирлик даражасини аниқлаш, асоратлар ривожланишининг олдини олиш. **Ихтиро моҳияти:** конни молекуляр-генетик таҳлиллар йўли билан фетоплацентар етишмовчилик ривожланиши хавфининг олдини олиш усулига кўра, ҳомиладорликни режалаштираётган ёки ҳомиладорликнинг бошланғич даврида бўлган (12 ҳафтагача) репродуктив ёшдаги аёлларда PAI гени генотиплари полиморфизми бор-йўқлиги аниқланади. PAI генининг 5G/4G полиморфизми аниқланганда – ўрта оғир даражадаги фетоплацентар етишмовчилик ривожланиши хавфи прогнозланади, 4G/4G аллелей аниқланганда эса – касалликнинг оғир даражада кечаётгани прогнозланади.

Использование: медицина, в частности, акушерство и гинекология. **Задача:** повышение качества диагностики, ранняя диагностика, определение степени тяжести фетоплацентарной недостаточности, предупреждение развития осложнений. **Сущность изобретения:** способ предупреждения риска развития фетоплацентарной недостаточности путем молекулярно-генетического исследования в крови заключается в том, что определяют полиморфизм генотипов гена PAI у женщин репродуктивного возраста, планирующих беременность, или у беременных на начальном сроке (до 12 недель). При выявлении полиморфизма 5G/4G гена PAI – прогнозируют риск развития фетоплацентарной недостаточности среднетяжелой степени, при выявлении аллелей 4G/4G – тяжелую степень тяжести клинического течения заболевания.

(13) В

(21) IAP 2017 0169

(22) 05.05.2017

(51) A61K 35/78

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, UZ

Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Эргашева Наргиза Обиджоновна, Усманов Равшан Джахангирович, Искандаров Тулкин Искандарович, Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна, Садиков Аскар Усманович, UZ

(54) Данитол пестициди ва бошқа пестицидлар билан захарланишнинг олдини олиш усуллари

Способ профилактики интоксикации, вызванной пестицидом Данитол и другими пестицидами

(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт, хусусан, Данитол пестициди ва бошқа пестицидлар билан захарланишнинг олдини олишда. **Вазифаси:** Данитол пестициди ва бошқа пестицидлар чакирган захарланишнинг олдини олиш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** мазкур усул шуниси билан фарқланадики, даволовчи препарат сифатида аскорбинка кислотаси 20 г (2%) микдорда ва қизил мия илдизи, валериана, бўзноч, зира ўсимликларининг ҳар биридан 10 г дан олинган ҳолда тайёрланган қайнатма 100 мл микдорда ўсимликларга ишлов бериш даврида иш сменасидан олдин ва кейин ½ стакандан қабул қилишга буюрилади.

Использование: медицина, в частности профилактики интоксикации пестицидом Данитол и другими пестицидами. **Задача:** разработка способа профилактики интоксикации, вызванной пестицидом Данитол и другими пестицидами. **Сущность изобретения:** данный способ профилактики отличается тем, что в качестве лекарственного препарата назначают аскорбиновую кислоту в дозе 20 г (2%) и 100 мл отвара лекарственных растений из корня солодки, валерианы, бессмертника песчаного, тмина по 10 г каждого из них до начала и после рабочей смены по ½ стакана в период обработки растений в течение 20-25 дней.

В бўлими

ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В

РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

В 01

(13) В

(21) IAP 2018 0276 (22) 18.06.2018

(51) B01D 11/02, G01N 1/44, A23L/, C11B/

(71) Саитов Азиз Азимович, UZ

(72) Саитов Азиз Азимович, Колесников Игорь Константинович, Курбанов Жанибек Файзуллаевич, UZ

(54) ЎЮЧ -энергияси ёрдамида курук ўсимлик хом ашёси учун экстрактор

Экстрактор для сухого растительного сырья с помощью СВЧ - энергии

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** озиқ-овқат соҳасига оид аппаратсозлик, саноатнинг ўсимликлардан олинган хом ашёлардан экстрактлар олиш жараёни қўлланиладиган озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа соҳалари. **Вазифаси:** ЎЮЧ-энергияси таъсири остида гидродинамика ва масса алмашинуви шароитларини яхшилаш ҳисобига экстрагирлаш жараёнини интенсификация қилиш ва экстракт моддалар ажралишини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** экстрактор цилиндроконуссимон корпусга эга бўлиб, корпуснинг куйи қисмида тўрсимон киргизма жойлашган, унинг қопқоғида оғзи воронкасимон марказий циркуляцион труба ўқма-ўқ маҳкамланган ва уларнинг атрофида жойлашган олтига трубкасимон шнекли элементлар мавжуд, бунда тўкиш учун оғзи воронкасимон қувур кўптарнов кўринишида бажарилган бўлиб, ҳар бир тарнов юқорида кўрсатилган трубкасимон элементга йўналтирилган, оғзи воронкасимон қувур устида куракли қориштиргич ўрнатилган, корпус конфузор-диффузор соплони ташқи рециркуляция контури ва корпуснинг ташқи томонида ўрнатилган ЎЮЧ-энергияси тўлқин узатгичи билан жиҳозланган, улар трубкасимон элементлар қаршисида жойлашган. Экстрактор корпуси, марказий труба ва қайта шакллантирилган шнекли трубкасимон элементлар диэлектрик материалдан, масалан, шишапластикдан ишланган.

Использование: пищевое аппаратостроение, пищевой, фармацевтический и другие отрасли промышленности, в которых применяется процесс получения экстрактов из растительного сырья. **Задача:** интенсификация процесса экстрагирования и увеличение выхода экстрактивных веществ за счет улучшения условий гидродинамики и массообмена под воздействием СВЧ - энергии. **Сущность изобретения:** экстрактор содержащий цилиндрикоконический корпус с расположенной в его нижней части сетчатой вставкой, крышку на которой укреплена

соосно центральная циркуляционная труба с раструбом и расположенными вокруг них шестью трубчатыми элементами со шнеками, при этом раструб выполнен в виде многосливного желоба, каждый слив которого направлен к упомянутым трубчатым элементам, над раструбом установлена лопастная мешалка, корпус снабжен внешним контуром рециркуляции с конфузорно - диффузорным соплом и установленными с внешней стороны корпуса волновод СВЧ - энергии, которые расположены напротив трубчатых элементов. Корпус экстрактора, центральная труба и переформированные трубчатые элементы со шнеками выполнены из диэлектрического материала, например, стеклопластика.

(13) В

(21) IAP 2017 0188 (22) 20.10.2015

(51) B01J 19/32 (2006.01)

(31)(32)(33) 2014141852, 17.10.2014, RU

(71)(72) Мнушкин Игорь Анатольевич, RU

(85) 17.05.2017

(86) 20.10.2015, PCT/RU2015/000691

(87) 21.04.2016 WO 2016/060593

(54) Issiqlik-massa almashuvi va fazalarga ajratishni amalga oshirish uchun kontakt qurilma
Контактное устройство для проведения тепломассообмена и раздела фаз

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ректификация, ҳайдаш, абсорбциялаш, экстракциялаш жараёнлари амалга ошириладиган иссиқлик-масса алмашуви колонна аппаратларда қўлланиладиган насадкали контакт қурилма; саноатнинг нефтни қайта ишлаш, нефт-кимё, кимё, газ, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларида. **Вазифаси:** регуляри насадкадан оқиб чиқувчи суюқ фазанинг байпас оқимлари юзага келиши эҳтимолини камайтириш ҳисобига иссиқлик-масса алмашувини интенсификациялаш мақсадида “Х”симон контакт қурилма конструкциясини такомиллаштириш; “Х”симон контакт қурилмани нафақат “газ-суюқлик” тизимларида, балки “суюқлик-суюқлик” тизимларида ҳам, оқишга қарши контакт қурилмани эса катта диаметрли иссиқлик-масса алмашуви аппаратида фойдаланиш имкониятини яратиш; “Х”симон контакт қурилманинг иссиқлик-масса алмашуви аппаратида монтаж қилиниш технологиясини содаллаштириш. **Ихтиро моҳияти:** “газ-суюқлик” ва “суюқлик-суюқлик” тизимларидаги секцияларга ажратилган “Х”симон насадкали колонналарда иссиқлик-масса алмашуви ва фазаларга ажратишни амалга ошириш учун контакт қурилма бир ёки

бир нечта қаторларда бир-бирига кийдириб пакетларга йиғилган, спицалар ва вертикаль устунлар воситасида колонна секцияларида деворлар ҳосил қилган ҳолда маҳкамланган идентик контакт элементлар мажмуасини ўз ичига олади, бу элементлар горизонталь торецлари бўйлаб горизонтал сегмент тўсиқлар билан чегараланган, колонна корпуси билан ёйсимон туташган. Бунда деворлар орасида тешикли қисмларга, қўшимча тўсиққа, пластина-қайтаргичлар ва вертикаль тирак пластиналарга эга суюқликни тақсимлагичлар жойлаштирилган. Қуйи ва юқори ётиқ деворлар орасидаги бўшлиқ тиркиш ёпгичлар воситасида герметикланган.

